2007 йил 20 июнь, чоршанба.

Миллий тиклаиш

Миллий тиклаиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

25 (408)-сон

Сотувда эркин нархда.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу аёл Тошкент вилояти Янгийўл тумани марказий поликлиникасида катта ҳамшира бўлиб ишлайди. Шоҳиста Собитова ўзининг хушмуомалалиги, қўли енгиллиги билан шифоталаб кишилар ҳамда ҳамкасблари орасида ҳурмат топган.

— Тансиҳатлик — туман бойлик, деган гап бор. Ҳар бир инсон аввало, ўз саломатлиги учун ўзи қайғуриши керак. Биз — шифокорлар эса ҳамма ҳам соғ-саломат бўлиши тарафдоримиз, — дейди у.

ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

21-24 июнь кунлари пойтахтимизда «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари бўлиб ўтади.

Ўтган йиллар давомида Президентимиз ташаббуси билан узлуксиз таълим тизими асосида яратилган уч босқичли оммавий спорт ҳаракатининг финал босқичлари Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Чирчиқ, Қаршида юқори савияда ташкиллаштирилди. Энди эса мазкур нуфузли тадбир пойтахтдаги энг гавжум ва файзли гўша — "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ўтказилади.

Айни пайтда бу ерга ташриф буюрган киши, ҳайратдан ёқа ушлаши тайин. Чунки шаҳарча бугун катта спорт байрамини ўтказиш арафасида янада кўркамлашган. Навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун уларга замон талабларига мос шарт-шароит яратиш лозим.

Шу маънода, "Универсиада — 2007" мусобақалари дастурига киритилган футбол, гандбол, баскетбол, қўл тўпи, сузиш, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Жарқўрғон туман кенгаши ҳокимлик, «Камолот» ЁИҲ, маданият уйи билан ҳамкорликда ЎзМТДПнинг 12 йиллигига бағишлаб байрам тадбири ташкил этди.

* * *

Партиянинг Ғиждувон туман кенгаши томонидан «Миллий тикланиш» — боқий партия» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш» — ривожланиш, тараққиёт йўлида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Янгиер шаҳар кенгаши томонидан «Партиямиз — фахримиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Жамият тараққиётида, сиёсий партиялар фаолиятида хотин-қизларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Зарбдор туман кенгаши томонидан «Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ЎзМТДПнинг роли» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида иншолар ва суратлар танлови ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши шаҳар «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Партия фаолиятида ёшларнинг роли» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Қизириқ туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистоннинг Ислом цивилизацияси равнақига қўшган ҳиссаси» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Бектемир туман кенгаши томонидан «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида тадбир ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ТЎЙ ШУКУҲИЛА ЯШНАГАН ШАҲАР

Бир неча йиллар аввал "Жаҳон отин Увайсий" номидаги тўгарак аъзолари билан шоира қабрини зиёрат қилган эдик. Увайсий яшаган уй, шоира ўз қўллари билан эккан тут дарахти, у истиқомат қилган бино пойдеворини ҳаяжон билан кузатганларим қанчалик рост бўлса, кўнглимда бу ердаги ғаريбликдан недир бир оғриниш туйганим ҳам чин эди. Том маънода зиёратгоҳ бўлишга арзийдиган бу жой жуда хароб кўринганди кўзимга... Бу ерни ободонлаштириш, ўз ҳолига ташлаб қўймаслик лозимлиги барчамизнинг дилимиздан ўтганди.

Ўша пайт дилларимиздан ўтган бу яхши ният шукрки, бугун амалга ошди. Шоира қабри жойлашган, яшаган ҳовли ўрнида уй-музей биноси қурилди. Шоира қабри таъмирланган. Ҳовлида шарқона услубда уй, айвон барпо қилинган. Негадир ҳаммасидан ҳам менда шу айвон катта таассурот қолдирди. Назаримда, тақдир бошига минг турфа синовлар солган беназир шоира, фарзанд доғида юраги пора онаизор шу айвонда кўнгил дардларини қоғозга тўкиб, гўё ҳануз жигаргўшаси йўлига кўз тикиб ўтиргандек...

Зиёратгоҳдан чиқишда маҳзун ўйлар ўрнини ажиб ёруғликлар эгаллади. Чунки яқин кунларда ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлайдиган Марғилонга юртимиздан, жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришади. Аниқки, улар Жаҳон отин Увайсий музейида ҳам бўладилар ва тарихда, ўзбек адабиётида катта ўрин тутган шоира ҳақида муфассал маълумотларга эга бўладилар. Мамлакатимиз ўтмишидаги бундай зотларнинг ҳаёти, улардан қолган бой маънавий мерос меҳмонларда катта таассурот қолдирмоғи шубҳасиз.

Тўй тараддуди бораётган хонадонни ҳеч кузатганмисиз? Иш кўплигидан кишиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шунга қарамай ҳамманинг кайфияти чоғ, чунки дилда олдиндаги тўй сурури, тантаналар завқи. Бугун Марғилон ва шаҳар аҳли худди шундай кайфиятда.

Мамлакатимизнинг бой тарихи, кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, юртимиз заминидаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйини муносиб нишонлаш, халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз томонидан 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорда юбилей тантаналарига тайёргарлик ва уларни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Тадбирлар дастурида шаҳарнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ҳамда маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш қувватини ривожлантириш, шаҳарни ободонлаштириш, маданий-маърифий тарғибот тадбирларини амалга ошириш вазифалари қўйилган. Бугунги кунда ушбу ишлар изчиллик билан амалга оширилаётир.

Ҳозирга қадар ўқув муассасалари ҳамда маданий ва тарихий обидалар иншоотларини бунёд этиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш соҳасида талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, 945 ўринли 32-мактаб биноси, 600 ўринли 2-тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. 11 ва 22-мактаб бинолари капитал реконструкциядан чиқарилди. 12, 27, 6-мактаблар мукаммал таъмирланди. Шаҳар туғруқхонаси ва шошилинч тиббий ёрдам бўлими замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. Аҳолини газ, сув ва электр қуввати билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ҳам қатор ишлар қилинди. Айни кунларда юбилей дастурида кўзда тутилган бир қатор иншоотларда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир. Жумладан, шаҳар марказидаги музейни таъмирлаб, Марғилон тарихи музейига айлантириш, маданият уйи биносини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, "Увайсий" кинотеатри биносини, "Ҳазрат Бурҳониддин Марғиноний" чиллахонасини капитал таъмирлаш, Саид Аҳмад Хўжа Эшон кўчасида жойлашган эски мадраса биноси асосида "Очиқ осмон остидаги музей" барпо этиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Яқинда шаҳар марказидаги "Деҳқон бозори" фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш жоизки, бозор мажмуаси ҳар томонлама замон талабларига мос услубда қурилган. Ҳам аҳоли, ҳам машиналар қатнови учун қулайликлар яратилган, бозор ва бозор атрофида жуда катта ободончилик ишлари амалга оширилганки, аввалги "Деҳқон бозори"ни кўрган ҳар бир киши буни дарров ҳис қилади.

"Қўқонга боргандим, кечроқ қайтишга тўғри келди. Қўқондан қайтишда чироқлар оғушидаги "Ёшлар хиёбони"ни кўриб кўнглим яйради. Бу мажмуа шаҳримиз кўркига кўрк қўшадиган жой бўлмоғига ишондим", — дейди бир ҳамшаҳрим. Чиндан-да, бугун қадим ва ҳамиша навқирон Марғилон янгидан чирой очмоқда. У нафақат шаҳар аҳли, балки барча юртдошларимиз ифтихор қиладиган шаҳар бўлишига ишончимиз комил. Бунга гувоҳ бўлмоқни истасангиз, Марғилонга келинг.

Матлюба АБДУРАҲМОНОВА, журналист.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҚЎРҒОНИ

ВАТАН СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Дунёда дилни яйратадиган юрак ардоғидаги сўзлар кўп. Бироқ Ватан деган сўз тенгсиз ва бетакрордир. Баъзи пайтларда ишга жамоат транспортида бораман. Сабаби, одамлар орасида юришни, уларнинг ўй-хаёлларини, юриш-туришидаги ўзгаришларни кузатишни яхши кўраман.

Ишхонам Мустақиллик майдонидан унчалик узоқ эмаслиги боис оқшом чоғида шу гўзал масканда сайр этишни, хаёлларга берилишни одат тусига киритганман. Оқшом тароватида Мустақиллик майдонида ўзгача. Турли рангда товланувчи фавворалар, Эзгулик аркаси, парвозларга шайланган турналар, дов-дарахтлар ҳаммаси умумий рангли полорит ташкил этган.

Шаҳарликлар шу майдонда сайр этишади. Юртдошларимиз қалбида ўзгача сурур. Ватан уларга, улар Ватанга ярашгандек. Рассом сифатида хаёлимда чизгилар, ранглар излайман. Бу гўзал манзараларни қишда, ёзда, баҳорда, ҳар фаслда кузатаман. Чиройига мафтун бўламан.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, демократик жараёнлар худди шу жойда мужассамдек. Гоҳида қуюқ салом бериб ўтиб кетаётган ёшлар эътиборимни тортади. Хаёлга чўмиб, уларга ҳавас ила қарайман. Зеро, улар келажаги баркамол авлод. Улар бу гўзал диёримизни янада гуллаб-яшнаши йўлида азму шижоатларини аямасликларини истайман. Бу дамларнинг қадрига етмоқ керак. Ўйланиб қоламан, бундай гўзал шаклу шамойилга эришгунча бу диёр бошидан не-не оғир кунларни ўтказмади. Ўз мустақиллигига эришган диёрнинг гўзал сиймоси бугун бутун олам аро юз очди. Бундай улкан ўзгаришларнинг бош меъмори Президентимиздир.

Қалбимизда ифтихор туйғулари жўш уради. Ватан надир? У кўзларимизга гўзал суратлари ҳеч ўчмас бўлиб чизилган дурдона асардир. Қай ўлкада, қай юртларда бўлмайлик, унинг сийратини, ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Шу гўзалликлар аро оламга боқамиз. Зеро, бундай юртни кўз қорачиғидек асрамоқ лозим.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

16 йил

Партия ҳаёти

СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ФАОЛЛИК ОШАДИ

Тошкент вилояти ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Истиқлол ва истиқбол» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мазкур ўқув юртининг педагоглари, шунингдек, бу ерга касбий малакаларини ошириш учун ташриф буюрган мураббийлар иштирок этишди.

— Ўқитувчилар, — деди «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, — жамиятимизнинг етук вакилларидир. Келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг чуқур илмга эга бўлишларида сизларнинг хизматларингиз ниҳоятда салмоқлидир. Ватанга бўлган беқиёс садоқатингиз ҳамиша бизларга намуна бўлиб келган. Айни пайтда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим жараён бораётирки, буни сизнинг иштирокингизсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизда демократик тамойилларнинг чуқур илдиз отишида, фарзандларимиз онгида миллий ғояларнинг шаклланишида зиёлиларнинг алоҳида ҳиссалари бор. Шуни унутмайликки, жамиятдаги муаммоларни бартараф этишда ҳам энг аввало, аҳолининг зиёли қатлами фаол иштирок этади. Фақат улар мамлакат тақдири, юрт осойишталиги ва эл фаровонлиги йўлидаги ўзгаришларга муносабатларини билдиришади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятига катта аҳамият берилаяпти. Бундан мақсад шуки, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда айнан сиёсий партияларнинг ролини ошириш орқали юрт тараққиётини белгилаб олиш кўзда тутиляпти. Ҳар бир партия муқобиллик ва мухолифатлик асосида сиёсат майдонида иштирок этади. Жумладан, «Миллий тикланиш»чилар ҳам ўз фаоллигини янада ошириш ниятида. Агар сафдошларимиз қанчалик кўп овозга эга бўлса, олдимизга қўйган вазифаларни шунчалик муваффақиятли бажаришга эришамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Раъножон Зариповнинг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун ва сиёсий партия олдидаги вазифалар юзасидан қилган маърузаси тадбир қатнашувчиларининг эътиборини тортди. Таъкидландики, мамлакатимизда келажакда сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаоллиги ошади. Бунинг учун ҳамма қонуний асослар яратилган. Дарвоқе, Бош вазирни сайлашда фракциялар розилиги сўралади. Спикер ўринбосарлари мавжуд сиёсий партияларнинг фракция вакилларидан иборат бўлади.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматовнинг «Қонунчилик тизимида «Миллий тикланиш» фракциясининг ўрни ва роли» тўғрисидаги суҳбати ҳам диққатни жалб этди. Унда сўз юритилган муаллифлик ҳуқуқи, фан ва таълим ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳақида билдирилган таклифлар иштирокчиларнинг жонли мулоқотига айланди. Шунингдек, депутатлар — Олимжон Ўсаровнинг «Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ваколатига ўтказилиши — ҳуқуқий ислоҳотлар ифодаси», Шарифа Салимованинг «Сиёсатда аёлларнинг роли» мавзуларида қилган чиқишлари юзасидан қатнашчилар ўз мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнгида профессор-ўқитувчиларнинг 15 нафари «Миллий тикланиш» демократик партиясига аъзо бўлди. Уларга партия билетини Тошкент шаҳар кенгаши раиси Р.Зарипова топширди.

Анжуманни пойтахт вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Эркин Сатторов бошқарди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Газетамизга 2007 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

асосий беллашувларни айнан "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган спорт мажмуалари ва сув ҳавзаларида ўтказиш кўзда тутилгани бежиз эмас.

Талабалар спорт байрами арафасида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Янгитдан бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон Миллий университетига қарашли бўйи 50, эни 21 метр, чуқурлиги эса 2,5 метр бўлган ёпиқ сув спорти саройи ҳам шаҳарчага ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Тошкент Давлат техника университетининг янги спорт мажмуасидаги 25/11,5 метрлик ёпиқ сув ҳавзаси, енгил атлетика зали, баскетбол, волейбол, мини-футбол майдонларида машғулотлар ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Тошкент Тиббиёт академиясида 4500 томошабинга мўлжалланган стадион ва спорт мажмуаси қад ростлади.

Мусобақа кунлари иштирокчилар замонавий услубда таъмирланган талабалар турар-жойларида истиқомат қилишади. Бу ерда улар учун барча қулайликлар яратилган. Интернет, факс ва телефон билан таъминланган ахборот марказлари, тренажёр заллари, дам олиш ва тиббиёт хоналари улар хизматида бўлади.

Ташкилотчилар иштирокчиларнинг мусобақалардан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишган. "Универсиада — 2007" спорт мусобақаларининг мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтишини, қатнашчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун шаҳарчада маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Талабалар шаҳарчасидаги "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда "Фудзияма" ошхонаси олдида иккита саҳна ўрнатилиб, у ерда иштирокчилар таниқли ижодкорлар ва санъат аҳли билан бевосита учрашиб мулоқот қилиш имконига эга бўлишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда оммавий спорт тарғиботига берилаётган эътибор самараси ўлароқ, спорт журналистикасининг янги авлоди шаклланди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган, уч босқичли спорт тизими мазмунмоҳиятини кенг оммага етказишда уларнинг ўрни беқиёс. Эртага бошланадиган "Универсиада — 2007" мусобақаларини 400 нафардан ортиқ оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритиб боради. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари "Спорт" телеканали орқали тўғридан-тўғри намойиш этилиши режалаштирилган. Айни пайтда Талабалар шаҳарчасида "Ахборот" маркази ҳам фаолият кўрсата бошлади. Интернет тармоғидаги www.unversiada.uz сайти орқали мусобақалар тарихи ва кундалиги, кундалик натижалар ҳамда яна бошқа янгиликлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида мунтазам бериб борилади.

"Универсиада — 2007" мусобақаларида талабалар спортнинг баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол, қўл тўпи, сузиш, дзюдо каби ўн икки тури бўйича беллашадилар. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро олимпия талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт ўйинларининг доимо бош мезони бўлиб қолади.

Универсиаданинг финал қисмида 1946 нафар талаба-спортчи қатнашади. Анъанага кўра, умумжамоа ҳисобида I, II ва III ўринлар соҳибларига Президентимиз совғаси "Дамас" автомашинаси топширилади. Бундан ташқари, шахсий биринчилик ғолиблари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

"Универсиада — 2007" спорт ўйинлари машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Физика — Қуёш" илмий ишлаб чиқариш марказининг 2600 градусли қуёш ўчоғида ёндирилди. Агар дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бундай улкан иншоот жаҳонда иккита бўлиб, бири Франция жанубидаги Пириней тоғларида, иккинчиси эса Ўзбекистондадир.



Ойбек ЗИЁ.

Фаолларимиз

КУЧЛИ ИРОДА СОҲИБИ

ёхуд ҳаёт синовларида тобланган инсон

Деярли ҳар куни Термиз кўчаларида ўрта бўй, сочларига оқ оралаган, қўлида ихчамгина папкаси бор, бирон дилкаш инсонни учратиб қолгудай бўлса, юрак дардини эринмай эшитиб, ташвишларига далда бўладиган, маслаҳатлари билан суҳбатдошининг кўнглини топадиган бир кишини учратиш мумкин. У ўтган 73 йиллик умри давомидаги ҳаётий тажрибалари билан сизни ошно этади.



У бир куни ЎзМТДП вилоят кенгашига келиб: "Миллий тикланиш" партиясига аъзоликка қабул қиласизларми?", — деб мурожаат этди.

Партиянинг бош мақсади ҳақида тўлиқ маълумотлар берилгач, унга партия Устави ва бошқа керакли манбалар тавсия этилди. Шундан сўнг бу киши ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши раиси номига ариза берди.

Партия билети тантанали равишда топширилди. Мен бу инсонни орқаворотдан яхши билардим. Бир неча бор суҳбатида ҳам бўлганман, "Қўнғиротлар" деган рисола ёзган. Ўша рисоласидан менга ҳам берганди. Вилоят суд-медэкспертизасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлашини эшитгандиму лекин ҳаёти билан чуқурроқ танишиб, суҳбатлашганимда унинг адолат йўлида, ҳақиқат сўқмоқларида чиндан ҳам метин иродаси ила тобланганлигини ҳис қилдим. Унда ўзбекона орият, ғурур жўш уриб турганлигидан фахрландим. У киши тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор, "Шуҳрат" медали соҳиби Қодир ака Бердиқуловдир.

— Айни пайтда қандай ишлар билан машғулсиз? — сўрайман Қодир акадан.

— Шифокорлик касбимни давом эттираяпман. Яна "92 бовли ўзбек уруғлари" ҳақида китоб ёзиш билан бандман. Партиянинг энг кекса аъзоларидан бириман. Йиғилишлар ва турли тадбирларда қатнашаяпман. Ёшларга миллийлигимиз, миллий ғоя, миллий қадриятлар ҳақида сўзлаб бераяпман.

Энди Қодир Бердиқулов ҳаёти ҳақида қисқача маълумот: 1934 йилда Шеробод туманидаги Қамчибулоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни "аъло" баҳоларга тугатиб, Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил олди. Кейин вилоят суд-медэкспертизасига ишга кирди. Ереванда шу соҳа бўйича малака оширди. Узлуксиз ўқиб-изланишлар самараси ўлароқ 1979 йил 17 декабрда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1997 йилга қадар вилоят суд-медэкспертизасида бўлим бошлиғи бўлди. 1998 йилдан шу кунгача вилоят юқумли касалликлари шифохонасида меҳнат қилади. Фидойи хизматлари инобатга олиниб, 2004 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Аммо ҳаёт йўллари равон кечган эмас: суд тиббиёт эксперти жуда нозик касб, эҳтиёткорликни талаб қилади. Ҳар бир иш юзасидан тўғри хулоса берилиши керак. Чунки ноҳақ шахс айбдор ёки жиноятчи бегуноҳга айланиши мумкин.

Ҳақиқий эксперт оқни оққа, қорани қорага ажратувчидир. Бунинг учун эса у виждонли, имонли бўлиши шарт. Нотўғри хулосалар беришга дўқпўписалар, тазйиқлар, ҳатто илтимослар бўлган. Қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар Қодир Бердиқулов виждон амрига қулоқ тутди. Тегишли органлар томонидан у берган тўғри хулосаларга эътиборсизлик оқибатлари ҳам бўлган.

Тўғрисўзлик, аниқ хулосалар беришдаги ҳаққонийлик, одиллик ҳаммага ҳам ёқавермасди. Ғанимлар пайдо бўлди. Туҳмат уюштиришиб, уни олий тоифали суд тиббий эксперт врачи даражасидан туширишди. У эса адолат ва ҳақиқат учун курашни тўхтатмади. Қодир Бердиқулов беш йилдан сўнг, яъни 1990 йилда олий аттестация комиссиясидан қайта ўтиб, ўзига илгаридан берилган даражасини қайтариб олди. 1997 йилда яна тақдир синовларига дуч келди. Уни меҳнат интизомини бузганликда айблашиб суд-медэкспертизадан ишдан бўшатишди. Вилоят юқумли касалликлар шифохонасида ишлаб юриб, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун тинмай курашди, "меҳнат интизомини бузганлик" айби суд орқали олиб ташланиб, илгариги ишига яна қайтди.

Ўзининг инсонийлик йўлидан қайтмайдиган ҳақиқий курашчи, ғурури баланд, ор-номус учун курашда фаол инсон Қодир Бердиқуловнинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўлиши шубҳасиз.

Жуманазар АНОРОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Давр ва жамият

Ҳар бир мамлакатнинг ўз бошқарув услуби, ўзига хос сиёсати бор. Давлатимизда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви ўзига хос хусусиятларга эгадир. Эътибор берсангиз, унда маҳаллий бошқарувнинг тарихий ва замонавий шакллари уйғунлашиб кетган. Мозийга назар ташласак, авваллари бундай бошқарув услуби амир ёки хоннинг фармойишлари ва шариат қонунчилигига асосланарди. Бугун эса мустақил юртимизда маҳаллий бошқарув қонунчиликка асосан иш юритади. Конституция ва тегишли қонунларга асосланиб иш тутилиши унинг замонавий талаблар асосида бўлишини таъминлаётир.

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ АСОСЛАРИ

1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун бу борада айниқса, муҳим ўрин тутади. Мазкур қонун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамма поғонаси учун ягона, у бу органларнинг фаолиятига оид масалаларни тартибга солиб туради. Маълумки, қонунийлик ҳуқуқий давлат ҳаётида энг муҳим тамойилдир. Бу масала давлатимиз тарихида тузуклар, яъни махсус қоидалар билан тартибга солинарди. Қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ютуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса ҳуқуқий давлат юзага келмайди.

Қонунийлик давлат ва ҳуқуқ назариясига биноан фуқароларнинг норматив ҳужжатларга оғишмай амал қилишидир аслида. Бош Қомусимизнинг 15-моддасида қонунийликнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажми ва айрим ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бошқарув сиёсатини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқарув сиёсати ана шулар жумласидандир. Жойларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва унинг бозор усулларига асосланган замонавий кўринишларини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимизда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти фаолият юритади. Маҳаллий давлат ҳокимияти ижро ҳокимиятининг негизини ташкил қилади. Бу жараён табиийки, ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Аввало маҳаллий давлат ҳокимиятининг фундаментал вазифалари белгилаб олинди. Кейин эса унинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланди. Маҳаллий давлат бошқаруви сиёсати ишлаб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, давлат сиёсати амалга ошиши, амалда қонунлар ижросининг таъминланишида бошқарувнинг маҳаллий бўғини ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мадамин РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Кўргазма

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ БЕШИГИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси билан ҳамкорликда "Ислом маданияти ривож топган юрт" деб номланган бадиий кўргазма ташкил этди. У Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилди.

Юртимиз азал-азалдан жаҳон цивилизацияси, жумладан ислом маданияти бешиги ҳисобланган. Буюк аждодларимизнинг илм ва маданият ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаларини бутун дунё тан олган. Айни дамда юртимизда аждодларимиз қолдирган бой маданиятимизни қайта тиклаш ва келгусида ҳам уларни асраб-авайлашда хайрли ишлар олиб борилмоқда. Буюк аждодларимизнинг кўплаб зиёратгоҳлари қайта таъмирланмоқда. Бой илмий-маданий меросимизни чуқур ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Фан ва маданият, таълим масалалари бўйича халқаро ислом жамияти (ISESCO) томонидан пойтахтимизнинг бу йил Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишини ҳам амалга оширилаётган мазкур ишларга берилган юксак баҳо дейиш мумкин. Бу давлатлараро маданий алоқаларни ривожлантириш, илмий-маърифий, тарихий-меъморий каби ислом маданияти меросини муфассал ўрганиш, уларни тиклаш ва тарғиб қилиш, динлараро мулоқотларни мустаҳкамлаш ишларини таъминлаб беради. Шу боис, тарихий, маданий ва сиёсий аҳамиятга эга бу улкан воқеа жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб қўллаб-қувватланди.

Кўргазмага қўйилган осори-атиқалар мамлакатимиз музейлари тўпламларидан олинган. Уларда муаллифлик асарларидан иборат 600 дан ортиқ тасвирий ва амалий-безак санъати, жумладан, тарихий ва меъморий ёдгорликлар, фан ва маданият арбобларининг портретлари, миллий одат ва удумларимиз, қундалик ҳаётимизни акс эттирувчи рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, анъанавий каштачилик, заргарлик, миниатюра ва хаттотлик, миллий либос намуналари мазкур кўргазма мавзусини чуқур ёритиб берган.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Биз билган ва билмаган тарих

Нобель мукофотининг совриндори, физиолог олим И. П. Павловнинг таъбири билан айтганда, тиббиёт инсон билан тенгдошдир. Башарият тарихида ўзларининг инсон саломатлиги йўлидаги хизматлари эвазига номлари абадий муҳрланган Буқрот ҳаким, Ибн Сино каби шахслар талайгина. Чунончи, уларнинг шогирдлари қаторига Фарғона водийсида Мирзажон ҳаким, Тошкент ва Сирдарё улусларида Мирзажон табиб номи билан машҳур бўлган менинг бобомни ҳам қўшсак бўлади, деб ўйлайман.

МИРЗАЖОН ТАБИБ

Бобом ўз даврининг зиёли инсонларидан бири бўлган. Дорилфунун даражасидаги тиб илмига эга иқтидорли жарроҳ бўлиш билан бир қаторда, араб, форс, турк ва фаранг тилларида бемалол сўзлаша олган, Шарқ мусиқа илмидан хабардор бўлган.

Бобом Мирзажон XIX асрнинг ўрталарида, тахминан 1875 йилларда ота-боболари Туркистон ўлкасида катта мавқега эга бўлган ўзига тўқ кишилар оиласида таваллуд топган ва 1945 йили 70 ёшида Фарғона вилояти Қува туманининг Аккаробод қишлоғида мусофирчилик ва кабағалликда яшаб, зотилжам касалидан вафот этган.

Бобом ёшликдан зукко, зеҳни ўткир бўлган. 14 ёшларидаёқ Қуръони каримни тўла ёд олган экан. Ҳаж сафарини бажариб келганларидан сўнг, Туркиянинг Истанбул дорилфунунига ўқишга кириб, тиббиёт илми бўйича таҳсил олган, сўнгра ўша шаҳарда хорижлик Филипп исмли фаранг доктори билан ҳамкорликда ишлаб, жарроҳлик бўйича назарий ва амалий малакасини оширган. Устози қариб қолган бўлишига қарамай, қувуқдан тош олиш, йирингли ҳалталарни (абсцесс) очиш, синган суякларни бойлаш каби жарроҳлик амалиётларини жуда моҳирлик билан бажарган ва шогирди — бобом Мирзажонга ҳам ўргатган. Умрининг охирида докторнинг оёғи қорасон касалига дучор бўлиб, икки йил ётиб, оламдан ўтган. Вафотидан сўнг, меросхўрлари бўлмаганлиги сабабли, унинг шифохонаси шогирди Мирзажонга ўтади. Бобом шифохонанинг тиббий асбобларини олиб, 1910 йилда Тошкентга қайтиб келиб, Шайхонтоҳур даҳасида табобатчилик билан шуғулланади. «Фаранг дўхтирнинг шогирди» — Мирзажон табибнинг довруғи тез фурсатда Тошкент, Фарғона ва бошқа ўлкаларга тарқалади. Бобомга Марғилон шаҳрининг мингбошиси Саидаҳмадхон хўжа эшон 13 ёшли синглиси Пошшоойимни никоҳлаб бериб, ўзига куёв қилиб олади. Бу никоҳдан дунёга келган фарзандлардан энг кенжаси — менинг онам Майрамхон — 1917 йили туғилган.

Бобом 1920 йиллари шўролар ҳукуматига қарши курашган марғилонлик Шермуҳаммадбек (Кўршермат) назарига тушади. У 1921 йилнинг куз ойларида одам юбориб, Мирзажон табибни ва гаров сифатида унинг тўрт яшар қизи Майрамхонни олдириб кетади. Мирзажон табибни ихтиёридаги қирқ минг кишилик армияга бош табиб ва хориждан тиббий ёрдамга келган бир неча ўзбек тилини билмаган фаранг докторларни унга ёрдамчи қилиб тайинлайди. Чет элдан келтирилган катта миқдордаги тиббий асбоб-ускуналар бобом ихтиёрига берилади. Кўршермат мағлубиятга учрагач, Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Бобом бекни Афғонистонга кузатганидан сўнг, 1923 йилда Тошкентга қайтиб келади. Шу даврда Тошкентнинг «Янги шаҳар» даҳасида жойлашган Полтарацкий касалхонасида профессор Пётр Боровский маҳаллий табиблардан ташкил топган шифохона очган экан. Бобом шу ерга ўзларининг тиббий асбоблари билан ишга қабул қилинади. Шифохонада бошқа касаллик билан бирга, халқ орасида кенг тарқалган «пашахўрда» деб аталувчи тери лишманиозига дучор беморлар ҳам даволана бошлашган.

Бобом Мирзажоннинг бир неча чет тилларини билиши, назарий асосда жарроҳлик ёрдами кўрсата олишлик салоҳиятининг юқорилиги унга нисбатан алоҳида эътибор уйғотган. Бу эса бундай ҳурматга сазовор бўлолмаган ва уни кўролмаган кишиларда ҳасад уйғотиши шубҳасиз эди. Натижада унга ҳеч қандай далил билан исботланмаган чет элнинг жосуси деган айб қўйилган. Оқибатда у 1928 йили ишдан кетишга мажбур бўлади. Бобом билан 1924 йилларда бирга ишлаган Александр Спиридонов 1960 йили мен билан суҳбатда бобомни шундай хотирлаган эди: «Мирзажон қотмадан келган, абжир, қўллари жуда тез ишлайдиган жарроҳ эди. У рус тилини яхши билмас, аммо бир қанча хорижий тилларда эркин сўзлашар, унинг бу хусусияти кўпчиликка ёқмас, шу сабабдан унга хавфсираб муомала қилинар эди. Бироқ унинг кўпчиликни ҳавасини келтирадиган чет давлатларда ишлаб чиқарилган жарроҳлик асбоблари ўша даврларда Тошкентнинг бирорта шифохонасида йўқ эди».

Дарҳақиқат, мен 1963 йили Тошкент медицина институтини битириб, Поп туманида жарроҳ бўлиб ишлаган пайтларимда бобомнинг оиламизда сақланиб қолган юқори сифатли металлдан ясалган катта жарроҳлик тўпламининг баъзи асбобларини беш йил давомида ўз тажрибамда синаб кўрдим. Қувуқдан тош олиш, чурра кесиш, геморройни олиб ташлаш асбобларининг қулайликларига ва сифатига амин бўлдим.

Мирзажон табиб шифохонадан кетганидан кейин ҳукумат томонидан таъқиб остига олинади. Уйида уч марта тинтув ўтказилади. Тиббий асбобларининг бир қисми ва тиббиётга алоқадор адабиётларини, шунингдек, қўлёзмаларини мусодара қилишди, ўзларини эса тўрт марта ҳибсга олишиб, бир неча бор сўроққа тутишади. Мақсад шу эдики, шўролар ҳукуматини анчайин катта куч ва обрўга эга бўлган ҳамда чет элдан мунтазам ёрдам олиб турган Шермуҳаммадбек (Кўршермат) нима учун Мирзажон табибни ўзининг армиясига тиббий хизмат кўрсатишни унга ишониб топширганлигини билиш бўлган. Бироқ айб тополмагач, ҳукумат мулозимлари ҳар хил бўҳтонлар ўйлаб чиқиб, бобомни йўқотишга уринишган. Лекин бобомнинг қўлларида даволаниб, шаҳар маҳкамасида катта лавозимда ишлайдиган бир зобит бу гапдан хабар топиб, унга ёрдам беради. Қатағон сиёсати энг кучайган 1933 йилнинг кеч кузида бобом Тошкентдан Наманган вилоятига сургун қилинади. Аммо ҳукумат вакиллари унга шарт қўйишади. Борган жойларида тиббий амаллар билан шуғулланмаслик учун ундан тилхат ёздириб олишади. Бобом Тўрақўрғон туманига келиб, қариндошлари орасидан паноҳ топади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг шўролар ҳокимияти маҳаллий зиёлиларга нисбатан қандай сиёсат олиб борганини тушуниб етдик. Мирзажон табиб онам ва бувимнинг айтишлари бўйича, бутун ҳаётини тиббиётга бағишлаган инсон экан. Устози — «фаранг дўхтир» Филиппнинг қуйидаги ўгитларини — «Табибни қўли билан дили юмшоқ, кўзи ўткир, тили ширин, аммо қаҳри қаттиқ бўлиши керак», «Таъмагирлик табобат илмининг душманидир», «Беморнинг бир жонини сақлагунча, табибнинг ўнта жони бўлса ҳам чарчайди», «Табиб учун шоҳ ҳам, гадо ҳам бирдир» каби сўзларни тез-тез такрорлаб турар экан. Ўзлари ҳам шу ўгитларга умрларининг охиригача содиқ қолиб яшаган.

Бемор томирини бир неча дақиқа ушлаб туриб, уни нималар безовта қилаётганини тўла-тўкис айтар, дори-дармонларни эса ўзлари тайёрлаб берар экан. Айниқса, Наманган вилоятида яшаган даврларида оқ доғ (витилиго) дардига дучор беморлар кўп мурожаат қилишган. Мирзажон табиб олдин ошқовоқнинг уруғи ёрдамида беморларнинг гижжасини туширириб, сўнгра уларга бодом, хандон писта, седана кабиларни истеъмол қилишни буюрар, кўрсатилган амалларни бажарганлар бир-икки ой ичида дарддан бутунлай фориғ бўлиб кетишар экан. Меъда ичак тизимидан қон кетган беморларга эса ўткир ҳидли зирадан бир чимдимдан (ярим чой қошиқ) уч маҳал сувга аралаштириб ичишни буюрган. Аммо шифо топганлардан ҳеч вақт хизматларига ҳақ талаб қилмаган. Ким нимани кўнглидан чиқарган бўлса, шунга қаноат қилган. Бобомларнинг фикрича, таъмагирлик, фирибгарлик каби хусусиятлари бор табибнинг шифобахшлик хосияти бўлмас экан.

Бобомга ҳавас қилиб, оиламиздаги олти фарзанддан иккитамиз тиббиёт олийгоҳларини тамомлаб, шифокор бўлдик. Мен — олий тоифали жарроҳ, укам эса ички касалликлар бўйича реаниматор мутахассислигини эгалладик. Бобомнинг изларидан бориб, у киши амал қилган фазилатларга таяниб, халқимизга баҳолиқудрат хизмат қилаётирмиз.

Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИГА ҲАМИША ШАЙМИЗ

дейди акциядорлик тижорат «Турон банк»нинг Жиззах филиали бошқарувчиси Исомиддин КАРИМОВ

Мамлакатимиз молия муассасалари орасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган акциядорлик тижорат "Турон банк" жамоаси бугун "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори асосида ўз ишини ташкил этиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Юқори даражада кўрсатилаётган хизматлар, соҳадаги янгиликлар ва яратилаётган қулайликлар жамоа ютуқларини бойитиб бормоқда. Мижозларнинг "Турон банк"ка бўлган ишончи ортиб, унинг хизматларидан кенг фойдаланишмоқда. Ҳозир Жиззахда: "Сиз учун қайси банк афзал?", — дея сўрасангиз, кўпчилик ҳеч иккиланмай: "Албатта, "Турон банк", — дея жавоб қайтаради. Худди кўнглингиздагини сезгандек нима учунлигини сўраб улгурмасингиздан қўшиб қўйишади:

— Бу банкка ишониб асло ютқазмайсиз. Унинг тез ва юқори сифатли хизмати албатта сизга манзур бўлади. Энг муҳими, мижозлар манфаатини ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Одамларнинг бундай таърифлари бежиз эмас. Аввало, эл эътирофи молиявий муассасанинг халқ орасидаги нуфузи ортиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, қатор соҳаларни дадил қамраб олиб, фаолият доирасини тобора кенгайтириб бораётганлигидан далолат бермоқда.

"Турон банк"нинг Жиззах филиали илғор жамоалардан бири ҳисобланади. Мутасаддиларнинг тавсияси билан бу ерда бўлиб, ишлар билан танишиб, ёш жамоа эришаётган ютуқлардан қувондик. Филиалда ҳаёт қайнайди. Эрта-ю кеч келиб кетувчиларнинг қадами узилмайди. Банк хизматларидан фойдаланишни кўнглига туккан, аммо ҳали йўл-йўриқларини тушуниб етмаган, тартиб-қоидаларини англамаган тадбиркорлар билан мутахассислар яқиндан иш олиб боришиб, уларга ҳисоб рақамларини очишда кўмаклашишмоқда. Кассалар олдида эса одамлар ўз жамғармаларини омонатга қўйишаяпти. Мижозлар одатдагидек ҳамкор корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун пул ўтказмоқда ёки ҳисобига тушган маблағни аниқлаяпти. Хуллас, филиалда биз билан бемалол гаплашувчи бironта ҳам бўш ходимни учратмайсиз. Ҳамманинг ўз иши, муҳим вазифаси бор.

— Мижозлар манфаатини кўзлаб яхши натижаларга эришаяпмиз, — дейди филиал бошқарувчиси Исомиддин Каримов. — Бу айни ҳаётий талаб ютуқларимизни янада бойитишимизга ёрдам бераяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган юксак талаб ва долзарб вазифаларни амалга ошириш учун "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиорини фаолиятимизнинг асосий дастуриламалига айлантирганмиз. Ахир, рақобат кучайган ҳозирги шароитда одамларнинг банкларга бўлган ишончини оширишнинг ўзи бўлмайди. Уларнинг яқин ҳамкорига айланишимиз учун мунтазам равишда изланиш тақозо этилмоқда. Бунинг учун аввало, астойдил ҳаракат қилишимиз, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашимиз керак. Олдимиздаги вазифаларни изчил бажариш, банк соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўряпмиз. Пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасида муайян ишларни амалга оширяпмиз.

Жамоа иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни бежиз ўзининг устувор вазифаларидан бирига айлантирмаган. Кредит маблағларининг асосий қисми ҳозир мазкур соҳаларга жалб қилинмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлашга доир қарорлари мазкур тармоқларнинг истиқболига хизмат қилмоқда, — дейди кредит бўлими бошлиғи Рустам Абдумажидов. — Қарорлар талабларидан келиб чиқиб, мижозларга турли соҳалар учун биргина шу йилнинг ўзида 177180,0 минг сўмлик кредитлар ажратиб, 25000,0 минг сўмлик факторинг хизматларини кўрсатдик.

"Турон банк" кредитлари билан ҳозир вилоятда мелиорация ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш ривожлантириляпти. Аҳолининг хусусий чорваси йўлга қўйилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайяпти. Оилавий тадбиркорлик қарор топмоқда. Жумладан, ғаллакорлик хусусий тадбиркор Насиба Илёсова ўзининг тикувчилик цехини кенгайтириш ва замонавий машиналарни сотиб олиш учун имтиёзли кредит олган эди. "Ишбилармон аёллар" ассоциациясининг "Ўз бизнесингни бошла" ўқув курсида малака орттирган бу изланувчан тадбиркорга банк сармояси омад келтирди. Қисқа муддат ичида у ўз ишларини изга солишга эришди. "Ташаббус" кўрик-танловларида ҳар йили муваффақиятли иштирок этиб, 2005 йили "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Моҳир чевар шу йили яна банкдан 4,5 миллион сўм узоқ муддатли кредит



олди. Тикувчилик ишлаб чиқариши учун товар ва хомашё сотиб олиб, соҳасини ривожлантирди. Ҳозир ҳам у банк сармоясидан самарали фойдаланмоқда ва ўз вақтида кредитни қайтармоқда. Унинг қўлида ишлаётган олти нафар қишлоқ аёли сифатли ва бежирим тикувчилик маҳсулотлари тайёрлашга эришмоқда. Шуниси қувончлики, бу маҳсулотлар пештахталарни банд қилиб туриб қолаётгани йўқ. Аксинча, эҳтиёжнинг кўплиги боис аҳоли ўртасида тез сотилиб кетмоқда. Бу ишлар билан чекланмай эндиликда хусусий тадбиркор паррандачилик билан ҳам шуғулланаяпти. Ўз фаолиятини янада кенгайтириб, қандолат цехи очишни кўзламоқда.

Молия муассасасининг 30 миллион сўмлик кредити вилоятдаги "Мелине" хусусий фирмасининг ҳам ишларини юритиб юборди. Полиэтилен плёнка ва ҳар хил диаметрдаги қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган 11 кишилик бу ишчан жамоа биргина ўтган йилнинг ўзида 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. 15 миллион сўм фойда кўрди. Бу йил фирма 400-420 миллиметрли полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи янги линия сотиб олишни мўлжалламоқда. Жиззахда ҳали ҳеч бир тадбиркор қўл урмаган соҳани тараққий эттириб, халқимизни харидоргир маҳсулотлар билан таъминламоқда.

Биз ҳали филиални ёш жамоа, дея бежиз таъкидлаб ўтганимиз йўқ. Дарҳақиқат, у ўз фаолиятини бошлаганига бор-йўғи 5 йил бўлди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги 7 та йирик мижоз дастлабки йилда жамоа хизматидан баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 500 тага етай деб қолди. Биргина шу йилнинг ўзида молия муассасасига 63 та янги мижоз жалб қилинди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўпдир.

Яна бир гап: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 7-сонли қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси банкнинг биринчи мижозларидан саналади.

— 2002 йили филиал билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, тўғри қилган эканмиз, — дейди дирекция бош ҳисобчиси Ольга Тен. — "Турон банк" ишончимизни оқлади. Йиллар синовидан ўтиб, энг яқин ҳамкоримизга айланди. Нимагаки эришган бўлсак, бунда шубҳасиз банк жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни пайтда дирекцияда ўттиз киши меҳнат қилмоқда. Жамоа Жиззах вилоятидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан бирга сув иншоотлари қурилиши билан ҳам шуғулланмоқда. Шу кечакундузда Арнасой сув омборида лойиҳа қуввати 56 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишларини поёнига етказмоқда. Шундай иқтисодий бақувват, салоҳиятли ташкилотга қарашли 1,6,11,27-механизациялашган кўчма колонналар сингари ўнга яқин пудратчи ташкилотларга ҳам филиал орқали банк хизмати кўрсатилмоқда.

— Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий равишда яхшилаб бораётганлигимиз учун корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркор ва ишбилармонларнинг бизга бўлган қизиқишлари тобора ортмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Исомиддин Каримов. — Шу йил банкимизга жалб қилинган йирик мижозларимиз орасида "Жанубий Мирзачўл магистрали канали" бошқармаси, "Жиззах насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси", "Куйи Сирдарё ирригация тизими" бошқармаси, "Сувчилар қўрғони", "Ирригатор ҳамкор" хусусий корхоналари ва "Муҳандис мелиоратор", "Сангзор булоғи" каби ўнга яқин масъулияти чекланган жамиятларнинг борлиги бизга қувонч бағишлайди.

Филиал бош ҳисобчиси Самар Носировнинг таъкидлашича, мижозлар истиқболига пешвоз чиқиб, улар билан яқиндан иш олиб бориш, ишончига сазовор бўлишнинг шарофати бу. Молиявий муассаса доимо изланишда, интилишда. Бундан икки йил аввал ҳали вилоятдаги бironта ҳам банк қўл урмаган, ҳозир ҳам шундай имкониятни фақат ушбу жамоа йўлга қўйганлиги унинг муҳим ютуғидир. Филиал қошида чакана хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 4 тага етказилган ва йил охирига қадар яна иккитасини очиш кўзда тутилмоқда. Бу марказлар орқали мижозларга тезкор ва қулай халқаро банк хизмати кўрсатиб келинмоқда. Яъни, халқаро тезкор пул ўтказмаларини амалга оширяпти. Энг муҳими, ўзининг ишончлилиги билан бу хизмат тури кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Ахир, четга бир зумда пул ўтказиб, четдан бир зумда пул қабул қилиб олишнинг ўзи бўлмайди. Аммо ҳозирги тараққиёт, банкдаги изланишлар бунга қулай шароит яратмоқда. Масаланинг ечими саноқли дақиқалар ичида ҳал бўляпти. Шунинг учун ҳам Жиззахда "Western Union", "Быстрая почта", "Travelex", "CONTACT" каби халқаро тезкор пул ўтказмаларига мижозларнинг иштиёқи баланд. Мазкур янгилик йўлга қўйилганидан буён биргина шу соҳанинг ўзидан филиал 51284,6 минг сўм даромад олишга эришди. Шу йилнинг ўзида эса мижозларга чет эллардан 1350285 АҚШ доллари келиб тушди. Шу билан бирга уларнинг 455690 АҚШ доллари хорижий давлатларга жўнатилди.

— Мен "Быстрая почта" орқали МДҲ мамлакатига пул ўтказдим, — дейди Ҳалима Маматова. — Бор йўғи икки фоизни ташкил этган тез ва қулай бу хизмат туридан бундан кейин ҳам фойдаланмоқчиман.

Пластик карточкалар тўловнинг қулай усули эканлиги билан ҳам бугунги кунда кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг бу соҳани ривожлантиришга доир қарори жамоа томонидан изчил амалга оширилмоқда. Қарорга асосан банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, пластик карточкалар тизимини кенгайтириш мақсадида жойлардаги савдо ташкилотларига ўрнатилган еттита терминали орқали филиал ўз хизматларини амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга йил охиригача терминаллар сонини 20 тага етказишни мўлжалламоқда. Биринчи июнгача филиал орқали муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2258 тани ташкил этди. Нақд пулсиз амалга оширилган ҳисоб-китоб эса 66779,0 минг сўмга етди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, "Кафолат", "Нуроний", 18 ёшгача бўлган болаларга қўйиладиган омонатлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ҳозирда тўрт минг нафарга яқин омонатчи ўзининг бўш пул маблағларини филиалнинг жамғарма кассасида сақламоқда. Бундан ташқари, "Турон банк" томонидан жорий қилинган АҚШ долларидаги янги омонат турлари ҳам оммалашиб бормоқда. Айниқса, "Турон универсал", "Turon Classic", "Turon Medium", "Turon Premium" омонатлари ўзининг қатор афзалликларига эга эканлиги билан мижозларга қўл келмоқда.

Президентимизнинг ПК-56 сонли қарорига асосан филиал ўзининг устав капиталини ошириш мақсадида бу йил 25000,0 минг сўмлик имтиёзли акцияларни сотди. Шу билан бирга акциядорларга ўз вақтида дивидендларни тўлади. Ҳозир филиалдаги акциядорлар сони 77 тани, акцияларнинг умумий суммаси эса 52206 минг сўмни ташкил этмоқда. Молиявий муассаса жамоаси мижозлар ишончини оқлаяпти. Уларнинг хизматига ҳамиша шай турибди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.
Суратларда: филиал фаолиятидан лавҳалар. ®

ҚАРОР ВА ИЖРО

Етакчиларимиз

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА ИШЛАЙЛИК

Ёшлар маънавиятини юксалтириш миллийлигимизни равнақ топтириш билан бир поғонада туради. Партиямиз Уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларимизда миллий онг, миллий ғурур, маданият, миллий қадриятлар, урф-одатларни ривожлантириш ўз ифодасини топган.

Бунда Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қарор мазмуни партиямиз илгари сураётган ғояларда ҳам мужассам экани унинг ижросини таъминлашда эса сафдошларимизнинг бирдамлик кўрсатиши кераклигини билдиради, албатта. Фаолларимиз ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган тадбирлар, учрашув ва мулоқотларда бу ҳақда гапирилаётир. Туман кенгашида фаол ёшлар иштирокида аниқ иш режасини тузиб чиққанмиз. Шу асосда изчиллик билан тарғибот ишларини олиб боришга бел боғладик. Шу кунгача ўтказилган барча тадбирларда бу ҳаракат сезилиб турибди. Режамиздаги бошқа ишларни амалга ошириш учун ҳам кўпгина етакчиларимизнинг мадади қўл келаётир.

Партия аъзолари билан давра суҳбатлари ўтказилганда, очиқ мулоқот кунларида уларга миллий анъаналаримизнинг афзаллик томонлари, айниқса, ёши улуғларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, уларнинг тажрибалари, ёрдамидан ёшларнинг билими, малакасини оширишда фойдаланиш зарурлиги кўп бор айтилади. Айни пайтда "Устоз-шогирдлик" анъанаси ҳам борки, биз бу борада ҳам режали иш юритишни йўлга қўйишга интилаяпмиз. Маълумки, миллийлик, аждодлар ёди, уларнинг бизга қолдирган маънавий меросларини эъзозланаётган юртдагина ўзгаришлар, янгиликлар кўп бўлади. Партиямиз сафидаги келажагимиз эгалари билан ишлашда "Ёшлар қаноти"нинг борлиги жуда қўл келаяпти. Олдимизга истеъдодли, билимли, маърифатли, энг муҳими, жонкуяр ёшларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Етакчиларимиз билан кенгашиб, таълим муассасалари, йирик корхона ва ташкилотларда тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Жумладан, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар, иқтисодиёт ва тиббиёт коллежларида турли хил мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирдик. Аъзоларимиз сафи кенгайиб бораётгани ҳаракатимиз натижасини кўрсатиб турибди.

Шуни айтиш керакки, тумандаги умумтаълим мактабларида фаолларимиз иштирокида учрашувлар ўтказилганда, ёшларнинг ўзлари жўяли фикрларни билдиришмоқда. Уларни турли хил иллатлар — гиёҳвандлик, зарарли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун, аввало, ёшларга бу йўлнинг ножоиз эканлигини тушунтириш зарурати борлиги айтилди.

Яқинда бир гуруҳ фаолларимиз билан Қарши шаҳрида ўтказилган ўқув-семинарида қатнашиб, вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик, тасаввурларимиз янада бойиди. Меҳнатга ҳуши йўқ, ишга нисбатан лаёқатсиз, тарбияси оғир ёшлар, йўлдан адашган аёлларни соғлом ҳаётга қайтариш борасида қилинаётган ишлар билан танишиш давомида ҳам келгуси режаларимизни белгилаб олдик.

Баҳорой КОМИЛОВА,
ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси.

Таълим ва ислоҳот

МАКТАБ — ҲОМИЙЛАР ЭЪТИБОРИДА

Хатирчи туманидаги 1-умумтаълим мактабида 730 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқув маскани директори, тажрибали педагог Тожимурод Пирматовнинг сўзларига қараганда, ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам бу даргоҳни иккинчи уйимиз деб ҳисоблайди. Мактабда маънавият ва маърифатга оид тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Бу ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили мактабни битирган 45 нафар ўқувчининг 33 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Таълим масканида болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Қизлар волейбол командаси тумандаги умидли жамоалардан ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўлиқ таъминланганлиги уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашларида қўл келмоқда. Таълим-тарбия жараёнида бундай муваффақиятларга эришишда янгича педагогик технологиялар асосида иш юритаётган 12 нафар ўқитувчининг ҳиссаси катта бўлаётир. Айниқса, Шуҳрат Маматқуловнинг ҳуқуққа оид дарслари болаларнинг ушбу соҳага бўлган қизиқишини оширмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида ўқув юртига бир қатор жамоалар ҳомийлик ёрдамини аямаяпти. Масалан, "Гўзал Маржона", "Давтепа", "Абдураҳимов Нурилла" фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

МУБОРАКЛИК ЁШЛАРГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛДИ

Кўҳна Қашқадарё ўлкасининг Муборак туманидамиз. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, маҳаллий талаблардан келиб чиқиб бу ерда саноат касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилганди. Орадан кўп ўтмай яқин-атрофда яшайдиган ёшларнинг аксарияти шу ерда ўқишни маъқул кўра бошлашди. 900 ўринга мўлжаллаб бунёд этилган ўқув юртида ҳозир 1218 нафар талаба таҳсил олаётир. 35 та ўқув хонаси, лаборатория хоналари, ўқув устахонаси, ёзги ва қишки спорт мажмуи улар хизматида. Икки қаватли ўқув биноси ҳовлиси кўркам, орасталиги билан ўзгача чирой очиб турибди.

Ёшлар молия, бухгалтерия иши, информатика ва коммуникацион технологиялар, назорат ўлчаш асбоблари ва автоматика, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва ҳаракатини таъминлаш, нефть ва газни қайта ишлаш, бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари, тикувчилик ишлаб чиқариш, ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича таълим олишаётир. Талабалар 4 та компьютер хоналаридаги замонавий компьютерлар билан ишлашади. 2 та кимё, 2 та физика-астрономия ва 1 та биология, 5 та лингофон электротехника ва электроника асослари ўқув лаборатория хоналари ҳам зарур асбоблар билан жиҳозланган.

Ўқув даргоҳи устахонаси бир қаватли алоҳида бинода жойлашган. Бу ерда чилангарлик бўйича дастгоҳлар, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича жиҳозлар, пайвандлаш ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари асбоб-ускуналари бор. Устахонадан Корея кредити лойиҳаси асосида келтирилган «Автомобиль тузилиши» фани учун зарур жиҳозлар ҳам ўрин олган. Тикувчилик ишлаб чиқариш йўналиши бўйича ўқиётган ёшлар Польша кредити ҳисобидан келтирилган тикув машиналаридан фойдаланиб чеварлик сирларини ўрганиб боришмоқда. Меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик қоидалари ҳам яхши йўлга қўйилган.

Билим амалиёт даврида синовдан ўтиши, ҳақиқий кадрлар шу жараёнда сараланиши маълум ҳақиқат. Коллежда ўқиётган ёшларнинг амалиёт даврлари ҳам кўнгилдагидек ташкил қилинган. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари махсус режа асосида олиб борилади. Айниқса, ишлаб чиқариш амалиётлари қизиқарли ўтади. Сабаби, амалиётчилар мутахассисликларига мос корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномага асосан билимларини синовдан ўтказиб, билмаганларини иш жараёнида ўрганиб боришади.

— Бўлажак кадрларни касбга йўналтириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди ўқув муассасаси раҳбари Олим Хайруллаев. — Кўргазмали қуроллар, зарур техник жиҳозлар ёрдамида ўтадиган дарслар қизиқарли ташкил этилган. Бу борада ўқув юртимизда салмоқли ишлар қилинди десам муболаға бўлмас. Жами 20 та корхона ва ташкилот билан шартнома тузганмиз. Муборак нефтни қайта ишлаш заводи, туман «Нефтгазқурилишмонтаж» корхонаси, машина-трактор парки, халқ таълими бўлими, иқтисодиёт ва молия бўлимлари, бир нечта банклар, фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар шулар жумласидандир. Касб фестивали, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Бундай тадбирлар ёшларнинг келажакда қайси жойда ишлашлари учун бир қарорга келиб олишларида ёрдам бераётир.

— Бундан ташқари, 38 та умумтаълим мактаби билан ҳам шартнома тузганмиз. Янги ўқув йили учун авваллан тайёрланган режа асосида абитуриентларни қабул қиламиз, — деб суҳбатимизга қўшилади директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Чори Маҳадов. — Турли йўналишлар бўйича 480 нафар талаба ўқишни бошлайди. Кейинги йилларда таълим соҳасида анчагина ўзгаришлар юз берди. Энди фарзандларимиз тўққиз йиллик мактабни тамомлагач, ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт. Кимдир олий ўқув юртига тайёрланиш мақсадида лицейда ўқишни маъқарли тадбирлар уюштиришади. Уларнинг деярли бўш вақти йўқ. Дарсдан чиқиб, тўғарак машғулотларига шошилишади. Бири спорт тўғарагига қатнашса, бошқаси китоб мутолаа қилишни яхши кўради, қўшимча дарс олишни хоҳлайди. Педагоглар жамоаси билан келишган ҳолда уларнинг бу қизиқишларини ҳисобга олиб иш тутамиз доим.

Муборак саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ёшларга ҳар жиҳатдан ҳавас қилдик. Улар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича ўқиш билан бирга, яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб билимларини янада мустаҳкамлаб боришаётганларига гувоҳ бўлдик. Ўқув ва спорт тўгаракларига аъзо бўлиб, бўш вақтини кўнгилдагидек ўтказишаётган ўғил-қизларнинг нигоҳларида эртанги кунларига ишончни кўрдик.

— Маънавият хонаси доимо ёшлар билан гавжум, — дейди суҳбатдошимиз яна. — Улар дарсдан ташқари вақтини кўпроқ шу ерда ёки кутубхонада ўтказишади. Айниқса, кутубхона ахборот ресурс марказига айлантирилгач, ёшларнинг қироатхонага эътибори ва ихлоси янада ортди.

Марказ фаолияти билан танишар эканмиз, талабаларни кузатамиз. Сокинлик ҳукм сураётган ўқув залида улар дарс тайёрлашаяпти, имтиҳонларга тайёрланишаяпти.

— Китобхонларимиз кўплигидан севинаман, — дейди ахборот ресурс маркази мудираси Х. Саитқулова. — Талабалар ҳам, муаллимлар ҳам асосий билимни китобдан олишади. Шуни ҳисобга олган ҳолда фондимизни янги бадиий адабиётлар, айниқса, тарихий меросимиз ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар билан тўлдиришга катта эътибор бераяпмиз. Даврий матбуот нашрларига обуна бўлганмиз, талабалар улар билан ҳам танишиш имкониятига эга.

Замон талабларидан келиб чиқиб ҳамда ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ва китобга меҳрли қилиб тарбиялаш, чуқур билим олишларини таъминлаш мақсадида туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли 3 та тармоқ кутубхоналари фонди коллеж ахборот ресурс маркази ихтиёрига ўтказилди. 20 минг китоб фондига эга қироатхонада эндиликда 71145 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар бор. Компьютерлаштирилган маълумотлар олиш хонасида талабалар ва уларнинг устозлари электрон дарсликлардан ҳам фойдаланишаётир.

Ёзги ва қишки спорт мажмуи билан ҳам танишдик. Мақтаганларича бор экан, талабалар ўзлари ёқтирган спорт тури бўйича мураббий билан ишлайди, мусобақаларга қатнашади, ўзига ишончи ортади. Спорт залининг кўргазмали қисми билан танишиб улар ўз ютуқлари билан бу ердаги шароитга муносиб жавоб қайтаришаётганларига ҳам гувоҳ бўлдик. Коллежнинг ёш ҳуқуқшунослар жамоаси «Сиз қонунни биласизми?» танловининг туман босқичида биринчиликни олиб, вилоятда 3-ўрин соҳиби бўлишди. «Шунқорлар» мусобақасида йигитлар вилоятда биринчиликни олиб қайтишди. Талабалар «Энг ёш билимдон» кўрик-танловида эса туманда ғолибликни қўлга киритишди.

Бир сўз билан айтганда, воҳанинг юраги бўлган Муборак шаҳрида шундай коллеж борлиги, бу ерда келажагимиз эгалари бўлган ёшлар касб-ҳунарли бўлаётганларидан қувондик. Хизмат сафаридан қайтар эканмиз, мустақил ҳаётга учирма бўлаётган битирувчиларга келгуси ҳаётида омад ёр бўлишини тилаб, улар билан хайрлашдик.

Эминжон ЮЛДОШЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири. ®

Мулоҳаза

МИЛЛАТНИНГ БИРИНЧИ БЕЛГИСИ АХЛОҚИДА ЭМАСМИ?

Маҳаллада истиқомат қиламан. Бу ерда қўни-қўшни бир-бирига кўз-қулоқ. Ҳар тонг қизлар, келинлар барвақт туриб ҳовли, кўчаларга сув сепиб, супуради. Ишга, бозорга отланаётганларга салом бериб, дуосини олади.

Қўшни қиз Мусаллам ҳам ана шундай қизлардан, шаҳардаги қайсидир коллежда ўқийди. Тунов куни ишдан қайтаётиб, у билан автобусда учрашиб қолдик. Агар у салом бермаганида, мен уни танимаган бўлардим. Чунки эгнида енгсиз, (енг ўрнида иккита ингичка тасма) торлигидан сўкилиб кетай деб турган кофта ва ҳозир урф бўлган калта шим. Шим билан кофтанинг орасидаги бир қарич очиқ қолган жойдан оппоқ қорни, ҳатто киндиги атрофидаги икки энлик қўполгина чандиқ (операция ўрни бўлса керак) кўриниб турибди. Ғалати бўлиб кетдим. Суҳбатлашгим келмади.

— Кеннойи, сумкангизнинг биттасини менга бера қолинг, — деди у автобусдан тушганимиздан кейин, ўзи эса сездирмайгина кофтасининг этагини пастга тортиб қўйди.

"Хайрият, феъли ўзгармапти. Наҳотки, Маъмурахондай баъмани аёл бўй етиб қолган қизини шундай тасқара ҳолда юришига йўл қўйса" деб ўйладим, халтани унинг қўлига тутқазарканман. У халтани олгач, — ҳозир дедию, тез-тез юриб йигирма-ўттиз қадам наридаги ҳовлига кириб кетди. Кўп ўтмай у менга етиб олди. Қарасам, кийими ўзгарибди. Ўзига жуда ярашган пушти ранг енглари пирпирак қилинган кофта, этаги «гаде» қилинган юбка унинг чиройига ҳам, қадди-қоматига ҳам шунчалик ярашганки, юзидан нур таралиб турарди.

— Ие, шим қани? — сўрадим ҳайратимни яширмай.

— Вой, ўша кийимда уйга борсам қиёмат бўлар, додамни биласизу, қанақа "строгий"лар, ундан кейин адамдан ҳам уяламан, — деди у соддалик билан.

— Вой сиз-ей, шундай қаттиққўл бувангизни ҳам доғда қолдирибсиз-да.

— Ўртоғим Зарина ўргатди. Униям бувасини жаҳли ёмон экан. "Модница" қизларни ёқтирмас экан. Ҳатто кўзойнагини бошига қўндирганларни ҳам койиб бераркан.

— Ҳа. Лекин бу кийимингиз ўзингизга жуда ярашибди. Ҳақиқий ўзбек гўзали бўпсиз. Бу ҳам жуда замонавий фасонда-ку. Нима шу кўйлакда борсангиз, ўқишга кўйишмайдими?

— Йўғе, мен ошпазликка ўқийман. Машғулот пайтида оқ халат кийиб оламиз. Устозлар кийимимизни кўришмайди.

— Унда нега ярим ялангоч кийимда юрибсиз? Худди анави "Гвадалупе"даги Даниэлага ўхшатвордим-а. Ҳаким тоғага ўхшаш қанчадан қанча кишилар бор-ку, улардан уялмайсизми?

— Қизиқсиз-а, кеннойи, анув куни аммам бир гап айтдилар, кўча тўла киши, ким билан кимнинг иши, — кулди у.

— Аммангизни бу фикрларига қўшилмайман. Бу гап биз — ўзбекларга тўғри келмайди. Бизда ҳамма бир-бирига кўз-қулоқ. Бир болага етти қўшни ота-она. Мана, бугун мен кўрдим, эртага яна бошқа бирор қўшнимиз кўради, бу гап додангизга ҳам етади. Кейин нима бўлади? Сиз фақат додангиздан уялсангиз, додангиз бутун қўни-қўшнидан, маҳалладан уялиб қолмайдими. Агар сиз ҳақингизда бирорта ёмон гап эшитсак, биз ҳам уяламиз. Чунки сиз бизниям қизимизсиз, маҳалламизнинг қизисиз. Маҳалла боласининг бегонаси бўлмайди.

— Кеннойи, мени қанақалигимни биласизу, нима "модний"роқ кийинсам ёмон қиз бўлиб қоламанми? Ахир, одамнинг қанақалиги унинг кийими билан ўлчанмайди-ку!

— Янглишасиз, одам ҳақидаги дастлабки тасаввур унинг кийимига қараб берилади. Мен сизнинг қанақалигингизни билганим учун ҳам шу гапларни айтяпман. Бўй етиб қолдингиз. Эрта-индин эшигингизга совчилар келиши керак. Лекин бояги кийимингизда кўрган ҳеч қайси она сизни келин қилишга ҳавасманд бўлмайди. Улар, бу Саид муаллимнинг невараси, меҳнаткаш, ораста, хушмуомала қиз, деб билмайди. Аксинча, шарм-ҳаёни унутган бу танноз ким экан, шу қизнинг ҳам акаси, адаси бормикан? Бор бўлса, бўй етган синглисини нега бунақа қилиб қўйибди, деб улардан хафа бўлади ёки улар устидан кулади.

— Ахир, ҳозир ҳамма шундай юрибди-ку. Одамларни кўзи ўрганиб кетди, — деди у хўрсиниб. — Баъзиларга олифта қизлар ёқади. Ана Раънонинг опаси эрга тегди. Тўй куни поччаси опасининг сочини калта қилиб қирқтирибди, тўй кўйлаги устидан ташланган ёпқичини олдириб ташлабди. Суратда кўрдим, елкаси очиқ, ҳатто юзидаги шарфи ҳам йўқ. Келин-куёв тўйида роса танца тушибди.

— Ҳа, бирники мингга, деб шуни айтишади. Ўша куёвда рашк йўқ эканда, бўлмаса, чиллали жуфти ҳалолини бунчалик ҳаммага кўз-кўз қилмасди. Лекин худога шукр, бундайлар кўп эмас. Мусаллам, мана сиз ҳали дорилфунун даргоҳига етиб бормай, санъатнинг туб мақсадини, масъулиятини сезмасданоқ "юлдуз" бўлишга улгурган хонандаларнинг ҳам айби бор, деб ўйлайман.

Яқинда газетада ҳинд соҳибжамол актрисаси Прити Зинта бир фильмда ўз жинсдоши билан яшайдиган аёл образини яратгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Мени обрўли актрисанинг бу образни яратгани хафа қилгани йўқ. Ўйлантирган нарса шуки, эрта бўлмаса индин ўша фильмнинг дискети қандай йўллар билан бўлсада, бизга етиб келиши, ҳали оилавий ҳаётни тушуниб етмаган ғўр ёшларимизга ўтказадиган таъсири ташвишлантираяпти.

Бундай "замонавийлик" ўзбек миллати менталитетига мутлақо зид. Каттаю кичикни бирдай ўзига ром қилиб олаётган ғарб сериаллари, савияси ўта саёз қўшиқларга ишланган клиплардаги жононларнинг ҳаракатлари қизлар ғуруруни оёқ ости қилиб, севгилисига ялиниб-ёлворади, ташлаб кетмаслигини илтимос қилиб, кўз ёш тўкади. Унга ёқиш учун ҳиссиётларни жўштирувчи либослар кияди.

Юртимиз аҳолисининг 48 фоизи 18 ёшгача бўлган ўсмирлардан иборат. Демак, клиплару, шов-шувли, жангари, ишқий ғарб фильмларининг асосий тингловчиси, томошабини ҳам ёшлар. Халқимизда, бўйдоқнинг ақли кўзида, деган сал қўполроқ ҳикмат бор. Лекин чиндан ҳам бу ёшдаги йигит-қизлар киноларни ақл билан эмас ҳис-ҳаяжон билан кўради. Уларнинг ишқий "жасорати"га ҳавас билан қарайди. Уларга ўхшашга астойдил интилади.

— Бу мексикаликларда ҳамма нарса тескари экан-да, — дейди сериал кўриб ўтирган онам. — Эркаклари ўраниб-чирманиб кийинади, аёллари очиқ-сочиқ. Йигитларни бўйнига осилиб, уйланмасанг, ўлдираман, дейишдан ҳам тоймайди. Бу хотинларнинг бегона эркаккка ялиниб-ёлвориши, зўравонлиги, юриш-туришини кўриб уялиб кетаман. Кўй, ўчир телевизорингни, болаларингни юз кўзини очворади, бу безотлар.

Онам рост айтадилар, минглаб йиллик маданияту маънавиятга эга халққа бу одатлар, қилиқлар, кийинишлар уят. Хўп, мен боламни юз-кўзини очмаслик учун телевизорни ўчириб қўйдим, ҳам дейлик. Аммо туну кун ишлайдиган қўшимча каналлар, интернет клублар, сув текин сотилаётган видеодисклар-чи, уларни ўчиролмайман-ку! Кейин ҳамма ота-она ҳам телевизорини ўчиравермайди. Шу сериалларда ҳам бир ҳикмат бордирки, одамлар сотиб олаётгандир, деб ўйлайди. Ҳатто баъзи сериалларни оилавий муҳокама қилади.

— "Марикузанинг боласи ўғлиданлигини онаси тан олармикан? — сўрайди дастурхон устида она.

— Тан олмаса, ДНК текширувидан ўтказиш керак экан, — дейди ўғил.

— Қаердан билдинг? — ҳайрон бўлади она.

— Жасурнинг адаси айтибди, ойи ДНК нима?"

Ана шунақа савол-жавобларда ҳам боланинг ақли "ўсади". Болаларимиз юришуришда, гаплашишда, кийинишда Беренис, Даниела, Лукреция, Бернардо, Иванларга тақлид қилишса, 1-синфдан Мурод билан Ширинга ўхшаб севишишса, бир-бирига хат ёзса, телефонда пичирлашса ҳам ҳушёр тортмаймиз.

Миллатнинг биринчи белгиси унинг ахлоқида. Ахлоқидан айрилган кимса миллатидан мосуво бўлади деган экан, мисрлик бир шоир. Миллат боласининг эса бегонаси бўлмайди. Унинг ҳар бир ютуғи бизнинг ютуғимиз, ҳар бир нуқсони бизнинг хатомиз. Чунки, бу хато уруғини унинг қалбига биз қадаганмиз. Ўша бемаза қўшиқ, беъмани фильмни кўриб, маънавияти, ахлоқи бузилаётган, жангари фильмлардан дийдаси қотиб вахшийлашаётган ўсмир ҳам бизнинг боламиз. Тўғри, ҳозир илм олишга астойдил интилаётган, дунё миқёсида илм-фанда ғолиб бўлаётган, ватанимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшларимиз кўп. Аммо, афсуски, ўнта ёмон бола ҳам биздай миллат учун оз эмас. Ўша ўнта ёмонни ҳам яхши тарбиялашимиз шарт. Негаки, бармоғингни қай бирини тишласанг ҳам оғрийди.

Ҳозирча оппоқ елкаларини, бўлиқ сийналарию дўмбоқ оёқларини бегона кўзларга кўрсатишдан, отаси тенги одамлар олдини кесиб ўтиш, улар олдида хохолаб кулиш, тор-таранг шимларда қоматини кўз-кўз қилиш уят, одобсизлик, беиболик эканлигини аёлларимиз — ҳамма оналаримиз ҳам ўйлаяпти деб айта оламизми? Бўй етган қизи, синглиси олдида калта шортида, кўкрагидаги ёлини баралла очиб майкачан юрган йигитлар, оталарчи?

Шундай экан, ёшлар тарбияси учун ҳамма — ота-она, мактаб, режиссёр, актёр ҳам масъулдир. Улар ҳар бир ўзбек фарзандини жигари деб билиши, ёт ғоялардан асраши шарт. Бизнинг келажак олдидаги бурчимиз, қарзимиз шу.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Жаҳон ҳафта ичида



Жаҳоннинг молиявий пойтахти

Лондон «Мастер Кард Ворльд Вайд» маркази экспертлари томонидан жаҳоннинг молиявий пойтахти, деб эътироф этилди. Мутахассислар тадқиқот давомида шаҳарларнинг жаҳон молия тизимида тутган ўрни, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, молиявий ахборотларнинг мавжудлиги каби мезонларига таяниб баҳолаганлар.

Англия пойтахтидан кейинги ўринларни Нью-Йорк, Токио, Чикаго ва Гонконг шаҳарлари эгаллади.

Соат йўқолганмиди?

АҚШ президенти Жорж Буш ўтган ҳафта Албанияга бориб, халқ билан кўришганди. Жуда самимий руҳда ўтаётган учрашувларнинг бирида президент қўлидаги соат йўқолиб қолди.

Соат қани? Ерга тушиб кетдими ёки Буш чўнтагига солиб қўйдими? Балки қўриқчиларига бериб юборгандир? Ростдан ҳам ўғрилашдими? Шу каби саволлар кўпчиликни ўйлантираётган эди.

Куни кеча АҚШнинг Албаниядаги элчихонаси бу масалага ойдинлик киритди. Президент қўлидаги соат ҳақиқатан ҳам омма билан учрашув жараёнида ўғирланган экан.

Бироқ Оқ уй раҳбарининг матбуот котиби Тони Сноу эса соатни президент чўнтагига солиб, юртига қайтганини маълум қилди.

Сайловнинг иккинчи босқичи

Дам олиш куни Франсияда парламент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Ҳафта бошида овозлар сони ҳисоблаб чиқилиб, натижалар эълон қилинди.

Амалдаги президент Николя Саркози бошқарувидаги «Халқ ҳаракати учун иттифоқ» (UMP) партияси сайловда энг кўп овоз тўплаб, қуйи палата — Миллий ассамблеядаги 577 ўриндан 314 тасини қўлга киритди.

Социалистлар партиясидан 185, коммунистлардан 15, сўллардан 7, яшиллардан 4, «UDF-MoDem»дан 3, «Франция ҳаракати учун»дан 1 номзод қуйи палатадан жой олди.

Маълумотларга кўра, бу сиёсий жараёнда сайловчиларнинг 59,99 фоизи қатнашган.

Жаҳон банкининг янги президенти

Жаҳон банкининг янги президенти тайинланди. Шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб бу лавозимни АҚШ давлат котибининг собиқ ўринбосари Роберт Зеллик эгаллайди.

Эслатиб ўтамиз, Бутунжаҳон банкининг аввалги президенти П.Вулфовиц ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун ишдан бўшатилганди.

Клинтоннинг қалам ҳақи

FORTUNE GLOBAL FORUM

АҚШнинг экс-президенти Билл Клинтон 2006 йилда нашр этилган чиқишларига 10 миллион доллардан зиёд қалам ҳақи олган.

Клинтон биргина ўтган йилнинг сентябрь ойида Лондонда бўлиб ўтган «Форчун форум» тадбиридаги ташкилотчилиги учун ярим миллион доллар ишлаганди.

Айтиш жоизки, Клинтоннинг қалам ҳақи миқдори йил сайин ўсиб бормоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Биласизми?

НОЁБ КИТОБЛАР

Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган "Присс папируси" номли қўлёзма дунёдаги энг қадимий китоб ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар йиғиндисидан иборат бўлган бу тўплам қадимги Мисрнинг Фива шаҳрида эрамиздан 2600 йил муқаддам топилган эди.

* * *

Нью-Йоркдаги музейлардан бирида дунёдаги энг катта китоб сақланмоқда. Унинг бўйи 3 метр, қалинлиги бир метр, оғирлиги 125 килограмм келади.

* * *

XV асрда яшаган Туркия султони Маҳмуд IIнинг 1953 йилда босилиб чиққан шеърлар тўплами дунёда энг чиройли китоб саналади. Бу нодир китобни яратиш устида қирқ нафар турк рассоми саккиз йил давомида ишлаган.

* * *

Дунёдаги энг қадимий китоб — Ўрта асрда яшаган машҳур немис матбаачиси И. Гутенбергнинг биринчи тавротидир. Унинг нархи бир миллион 300 000 маркага тенг бўлган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.



Ватан манзарасин сувратин чиздим,
Сокин анҳор бўлиб оқди меҳри дил.
Сўлим дарахтларнинг мақсадин сездим —
Оромбахш соядa ҳузурлан, кўнгил...

Азамат АҲМАД сурат-лавҳаси.

Болалар спорти

Мирзачўл туманидаги "Чўлқувар" марказлашган маданият уйи қошида спорт тўгараги ташкил этилган. Бу ерда турли ёшдаги каратэ ишқибозларининг мунтазам машғулот ўтказишаётгани устидан чиқишингиз мумкин.

САНДРА ЧЕМПИОН

Ўғил – қизлардан ташкил топган уч гуруҳ, жами 90 нафар спортчидан ташқари, яна катта ёшдаги шунча киши кечки пайтларда маҳоратларини ошириш учун бу ерга келишади.

Мураббий, учинчи ДАН қора белбоғ соҳиби, спорт устаси Мирзабек Нурбоев оқ-сариқдан келган кўҳликкина қиз — Сандра Темирова билан бизни таништирди. У Евроосиё биринчилигида кумуш медаль совриндори. Бугина эмас, Матлуба Дадаева Марказий Осиё кубогида учинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Муштарий Сулаймонова республика биринчилигидан кумуш медаль билан қайтганлигини, Бобур Жўраев, Бобомурод Бахтиёров, Сергей Долгихлар ҳам турли даражадаги мусобақаларда туман шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликларини ҳам мароқ билан эшитдик.

Туманда нафақат каратэ, шунингдек, бокс, юнонрум кураши, футбол, волейбол, шахмат каби спорт турлари ҳам жадал ривожланмоқда. Тўгаракларга 12 мингга яқин бола жалб қилинган. Машғулотларни ўтказиш учун етарли шарт-шароит яратилган. "Алпомиш" марказий ўйингоҳи, болалар спорт мажмуаси, бундан ташқари, "Алпомиш" марказий спорт зали ҳамиша гавжум. Барча мактаб ва маҳаллаларда спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд спорт иншоотлари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Республика "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси томонидан кўрсатилаётган кўмак, айниқса, салмоқли бўлаётир.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.
Суратда: Болалар спорти жамғармаси туман кенгаши раиси Мирзабек Нурбоев машғулот пайтида.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 19.50